2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

15 (617)

2008 йил 9 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
«Қўл чўзиш сиёсати» Соҳибкирондан мерос
Жанжалкаш Али Даккуга етолмади

3
Даромадига яраша саховати бор!
Маслаҳатчига ҳам маслаҳат даркор

4
Чўққидаги музликлар эриб битарми?
Ўз бахтини ўғирлаган келин

Саҳифада

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда давлат дастурлари амалга оширилмоқда, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган конференцияда шу ҳақида сўз юритилди. "Саломатликни иқлим ўзгаришларидан ҳимоя қиламиз" мавзуидаги ушбу тадбир Жаҳон саломатлик кунига бағишланди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА САЛОМАТЛИК

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, мамлакатимизнинг экология ва аҳоли саломатлиги масалалари билан шуғулланадиган жамоат бирлашмалари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бошланганини таъкидлади. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг илғор шакл ва услублари амалиётга жорий этилди. Республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган шошилинч тиббий ёрдам тизими ташкил этилди. Жойларда фаолият кўрсатаётган бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари, жумладан қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди, энг замонавий ташхис қўйиш ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Янги тиббиёт технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилмоқда, тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлаш сифати ошмоқда. Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яқиндан ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1992 йил аъзо бўлган.

Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик ва эпидемиологик назорат тизимини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, сил касаллигини назорат қилиш бўйича DOTS стратегиясини амалга ошириш, ОИВ/ОИТС ва гепатит вирусининг олдини олиш ва даволаш, умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамширалари малакасини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилмоқда.

Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида аҳолини эмлашга доир кўп йиллик комплекс режа ишлаб чиқилди. Унинг асосида 2006-2007 йилларда 8 миллион нафардан ортиқ киши қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмланди. Бундан ташқари, самарали перинатал ёрдамни ривожлантириш, болалар касаллигини интеграциялашган ҳолда назорат қилишни жорий этиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини юксалтириш, Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик сувидан фойдаланишни яхшилаш каби бир қатор қўшма лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳоли саломатлигини яхшилашга оид ишлар бу борадаги шаклланган қонунчилик базасига асосланган бўлиб, у давр талаби ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Тайад Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини қайд этди.

Конференцияда бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Негаки, ҳозирги даврнинг иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ янги таҳдидлари кенг кўламли профилактика чораларини амалга оширишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу табиий жараённинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтириш имконини беради.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

2008 йил — Ёшлар йили

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган "Биз — бир жамоамиз" акцияси иштирокчилари Қорақалпоғистонга келди.

АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ — ОРОЛБЎЙИДА

Тадбир қатнашчилари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг Нукус филиали талаба-ёшлари билан учрашди.

Акция доирасидаги тадбирларда мамлакатимизда ёш авлод камолотини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилаётгани, ёшларимизнинг ўз куч ва салоҳиятларини намоён этишлари учун етарли шарт-шароит яратилгани, бунга жавобан ҳар бир йигит-қиз юрт равнақи, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши зарурлиги таъкидланди.

— Ёшлар йили муносабати билан Тошкент — Нукус йўналиши бўйича ташкил этилган акциямиз иштирокчилари ёшларнинг интилишлари, муаммо ва ташвишлари билан қизиқмоқдалар, — дейди лойиҳа вакилларидан бири Малика Соатова. — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан яратилаётган имкониятлар ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти билан ёшларимизни яқиндан таништиряпмиз.

— Ҳамма жойда самимият ва байрамона кайфиятнинг шоҳиди бўляпмиз, — дейди лойиҳанинг яна бир вакили Жамила Нуржонова. — Ёшларнинг бизни қўллаб-қувватлаётгани, билимли, кучли салоҳиятга эга йигит-қизларнинг жамоамизга қўшилиш истагини билдираётганини кўриб, беиҳтиёр қувонянпмиз. Ёшларнинг бир жамоа бўлиб ишлаши, интилиши, билим олиши ва касб эгаллаши йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлаш асосий вазифамиздир.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

Кармана туманида жойлашган Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудуддаги энг обод ва илғор маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳалланинг бундай довруғ таратишида унинг оқсоқоли ва фаолларининг меҳнати ва заҳмати беқиёс. Йиғин раиси Зувайдулла Сувоновнинг эл-юрт равнақи йўлидаги сайъ-ҳаракатлари ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан муносиб тақдирланиб, ўтган йили юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан фидойи оқсоқолга «Дўстлик» ордени топширилган эди. Айни кунда Зувайдулла ака ҳар қачонгидан ортиқ ғайрат-шижоат билан маҳалла-кўй ишини юритмоқда.

СУРАТДА: *З.Сувонов набиралари даврасида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Карор ва ижро

САРА ЙИГИТЛАР — ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА

Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган самарқандлик йигитларнинг дастлабки гуруҳи ўз хизмат жойларига жўнаб кетди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 3 март куни қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда баҳорги чақирув мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари жойларда чақирув комиссиялари ишини самарали ташкил этиш, тиббий кўрик ва маънавий-жисмоний синовларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминлаш, хизматдан бўшатилган аскарларни кутиб олиш ва муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш чора-тадбирлари кўрилди.

Вилоят жамоатчилиги вакиллари, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган кузатув маросимида сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда ҳарбий хизмат йигитлар учун шарафли касбга айланганини эътироф этдилар.

— Ўғлим Неъматжонни тенгдошлари — ҳарбий хизматга отланган йигитлар билан бир сафда кўриб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди, — дейди Пахтачи туманилик Улуғмурод Рўзиев. — Бугун фарзандларимизнинг замонавий шарт-шароитларда, давлатимиз ғамхўрлиги ва эътибори остида осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашаётганига ҳавас қиламан.

Сурхондарё вилояти

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 3 мартда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятида ҳам бир гуруҳ йигитлар ҳарбий хизматга кузатилди.

Шу муносабат билан вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув пунктида ўтган тантанали маросимда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуролли Кучларининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганини, ёшларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Ота-оналар миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш орзуси амалга ошган ўғлонларни юксак ишонч ва ғамхўрликка муносиб бўлишга чақирдилар.

— Уч акам муддатли ҳарбий хизматда бўлган, — дейди Бандихон туманидан Элмурод Ўтаев. — Болалигимдан ҳарбий бўлиб, сарҳадларимиз осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшишни орзу қилардим. Ана шу орзу туфайли спорт билан мунтазам шуғулланиш, билимимни оширишга интилдим. Ҳаракатларим ўз самарасини берганидан хурсандман.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбийларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда, — дейди жаркўрғонлик Зулфия Холиёрова. — Тўнғич ўғлим ҳарбий. Бугун неварам Элёрни ҳам ҳарбий хизматга кузатяпман. Фарзандларим юрт осойишталигини таъминлашдек шарафли бурчни адо этаётганидан ғурурланаман.

Тадбир сўнгида бўлажак Ватан ҳимоячиларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА)

Хоразм вилояти

Замонавий қулайлик

АМУДАРЁ АҲЛИ УЧУН КАРВОНСАРОЙ

Ҳазорасп туманидаги Амударё маҳалласида кўркам карвонсарой қад ростлади. Миллий ва замонавий услубда сайқал берилган мазкур кошонадан катта тўйхона, чойхона, меҳмонхона, "Гўзаллик салони", савдо расталари ва бошқа маиший хизмат шохобчалари жой олган.

Карвонсаройнинг атрофи кўркам гулзорга айлантирилиб, кираверишга она ва бола ҳайкали ўрнатилган. Боланинг қўлида тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзи — ҳумо қуши.

Ушбу карвонсарой маҳалладаги тўй-маъракаларнинг чиройли, тартибли ўтиши ҳамда аҳолининг уй-рўзғор эҳтиёжи учун зарур буюмларни шу ернинг ўзидан харид қилиши учун имкон яратмоқда. Уни бунёд этишда саховатпеша тадбиркор Дармонжон Жумабоева ҳимматини аямади.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Саховатпешаларданмиз

Вилоятнинг қишлоқ ва маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари доирасидаги тадбирлар қизғин давом эттирилмоқда.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗДИ

Хусусан, жорий йилнинг март ойидан бошланган ушбу юмушларнинг жадал суръатларда бажарилиши натижасида Жиззах шаҳридаги Ўрда боғи ўрнида Ёшлар экологик боғи, шунингдек, барча туманлар марказларида ҳам ана шундай истироҳат боғлари барпо этилди. Айни чоғда мазкур масканларда навбатдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бўлиб ўтган ҳашарларда 842 гектар ер ободонлаштирилди. Кўплаб маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойга чиқариб тўкилди, 757 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 432 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. 821 минг 200 туп манзарали ҳамда 201158 туп мевали дарахт, шунингдек, 1 миллион 815 минг 200 туп гул кўчатлари ўтказилди. Бугун воҳа ҳудудида дарахт ва гулларни суғориш ишлари кўнгилдагидек ташкиллаштирилгани боис, улар баравж ривожланмоқда.

Қолаверса, вилоятда дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда. Бу борада Зомин, Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах ҳамда Пахтакор туманларида ибратли ишлар қилинди. Айниқса, Жиззах шаҳридаги Олмазор, Қалия, Ҳамзаобод маҳаллалари, шунингдек, Фориш туманидаги қишлоқларда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ташкиллаштириш ҳамда уни ўтказиш билан бир вақтда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож минглаб фуқаролар, эҳтиёжманд оилалар ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша инсонлар ҳимматидан баҳраманд бўлишди. Ҳашар йўли билан 875 нафар кам таъминланган фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Ҳашарларимиз бор экан, юртимиз обод бўлаверади.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 080 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 149

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Бугун Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

«ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ»

Буюк давлат арбоби ва саркарда, ҳарб илмининг даҳоси, бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур нафақат миллий давлатчилигимиз, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам катта из қолдирган.

Амир Темур, аввало, Мовароуннаҳрда оғир ва ечилиши мушкул ҳаёт-мамот масаласи бўлган, 150 йил давомида аждодларимизнинг тинкасини қуритган мўғуллар зулмига барҳам берди.

Амир Темур Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириш билан чегараланмади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини шакллантириб ва мустаҳкамлаб, буюк салтанат даражасига кўтарди. 27 давлатни бирлаштирган Амир Темур салтанатига маҳобати, маънавий ва илмий кашфиётларининг бойлиги, барқарорлиги ва қудрати борасида ўша даврнинг бирорта давлати тенглашолмайди. Бу тарихий ҳақиқатдир.

Немис олими Берт Фрагнернинг ёзишича, маъмурий бошқарувда Амир Темур даврида янгича дипломатик тамойиллар ишлаб чиқилган. Масалан, Соҳибқирон фармон чиқаришда ўзига хос услуб яратган. Олимнинг айтишича, «Амир Темур томонидан фармонлар чиқариш тартибига қўйилган талаблар унинг авлодлари томонидан ҳам қабул қилинган. Бунга бир қатор темурий ҳукмдорлар, масалан, Шоҳрух Мирзо ва Абу Саид Мирзолар томонидан чиқарилган ва асл нусхада сақланиб қолган кўплаб ҳужжатлар асос бўла олади. Ғарбий Эрон ва Шарқий Анатолиядаги Қора қўюнли ва Оқ қўюнли туркман ҳукмдорлари Амир Темур ва унинг авлодларига душманлик кайфиятида бўлсалар ҳам, фармонлар чиқаришда Амир Темур услубини тўлиқ қўллаганликлари алоҳида диққатга сазовордир. Бу Хуросондан тортиб Трансаксониягача бўлган улкан ҳудудда Темур шахси шаклланган ҳукмдор намунаси сифатида тан олинганлигидан далолат беради».

Тадқиқотчининг ушбу фикри асосида хулоса қилиш мумкинки, ўша давр давлатчилигидаги энг афзал ва мукаммал анъаналар Амир Темур даврида шаклланган бўлиб, кўплаб шарқ ҳукмдорлари давлатни ана шу қоидалар асосида бошқарганлар.

Амир Темур ўрта асрлар даврига хос ўз удумлари доирасида фаолият юритган бўлса ҳам, инсон манфаатларини кучайтиришга интилиб, ирқи, миллати, дини ва келиб чиқишидан қатъи назар инсонларнинг бир бутун ҳудудда яшаши мумкинлиги тўғрисидаги «ягона макон» ғоясининг илк ташаббускорига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидай, «Унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканлигини ҳис этди».

Амир Темурнинг толерантлик (диний бағрикенглик) сиёсати алоҳида тадқиқотни талаб этади. У илк маротаба ана шу ғояга асос солган ҳукмдорлардандир. Унинг насроний қиролларга йўллаган мактубларида «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда» — дея кўп бора таъкидланган.

Диний низолар кучайгач, эллар шу сабабдан ўзаро ёвлашган, айниқса, Ғарб ва Шарқ бир-бирини яқиндан билмаган, диний адоватлар замирида урушлар чиққан ўша даврларда ҳар икки қитъааро дўстона муносабат ўрнатилиши амри маҳол эди. Амир Темур биринчи марта Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларни шартномалар орқали мустаҳкамлашни ғарб қиролларига таклиф этган ва бу муаммони расмий тарафдан ҳал этишга интилган. Амир Темурнинг бу хатти-ҳаракатларини тарихшунос олимлар бугунги кунда «Қўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар.

Амир Темурнинг тарихдаги бу эзгу амалларини Европа халқлари ҳам тан олади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Франциянинг ўша даврдаги Президенти Жак Ширак тарафидан Амир Темурнинг Шарль VI га йўллаган номалари нусхаси юртимиз Президентига топширилди ва у ҳозирги пайтда Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Амир Темур бунёдкорлик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилиб, жаҳон меъморчилигини бемисл даражада бойитди. У салтанат мафкураси, ғояси ва маҳобатини ўз бунёдкорлик ишларида намоён эта олди.

Амир Темур Самарқанд атрофида ўз даврида дунёнинг сиёсий марказлари бўлган Шероз, Султония, Бағдод, Ироқ, Дамашқ, Миср каби 12 та шаҳар номи билан қишлоқлар барпо этиб, салтанат пойтахтининг уларга нисбатан тутган мавқеига алоҳида урғу берган. Шунингдек, Соҳибқирон Самарқанд шаҳри атрофида ўнлаб боғлар яратган, бу боғларда гўзал иморатлар, фавворалар ва бошқа иншоотлар қурдирган. Дунёнинг энг чекка жойларидан турфа хил ва гўзал ўсимликлар, жониворлар келтирилган.

Нафақат Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, балки, Темур салтанатининг барча бурчакларида ҳам кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Салтанатда масжид, мадраса, маъмурий иморатлар, кўча, боғ-роғлар, янги қишлоқ ва шаҳарлар, ҳаммом, бозор, тим, кўприк, шифохона, канал, ариқ ва бошқа иншоотлар қурилишига катта эътибор қаратилди.

Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида бир кичик мақолада тўлиқроқ маълумот бериш анча мушкуллик туғдиради. Масалан, унинг бир ой ичида Кавказ атрофида маҳобатли Бойлақон шаҳрини қурдирганининг ўзиёқ катта шарҳни талаб этади.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий бу шаҳар қурилиши ҳақида шундай ёзиб қолдирган: «Ҳазрат Соҳибқироннинг Бойлақонни таъмир этмак доъийаси муборак хотиридин ўтди. Ул шаҳар муддати мадидким вайрон бўлуб, не бир иморати ва не бир жонивору ҳашароти бор эрди. Ул сарзаминида махсус ёрлиқ била хуш раво муҳандислар ва кордон меъморлар шаҳар тархиға машғул бўлдиларким, анинг ҳандақи ва тўрт бозори ва бисёр эвлари ва ҳаммому карвонсаройи ва майдонию боғи ва ғайруҳуни асос этиб андоза қилдилар. Ва таноб тортиб шаҳзодалару беклар ани тақсимладилар. Черик тамоми жадди бирла ишга машғул бўлдилар. Ул иморатларнинг барчаси пишиқ ғиштдан бир ой муддатда тамом этилди...»

Айтишларича, бу шаҳарнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи Наҳри Барлос каналининг Амир Темур тарафидан қаздирилиши ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган. Бу каналда ҳатто кемалар қатнови йўлга қўйилган.

Амир Темур томонидан қурилган иморатларни юз йиллардан кейин кўрган ва бундан қаттиқ ҳайратга тушган можор олими Х.Вамбери унинг бу фаолиятига шундай баҳо берган: «Самарқанднинг шавкатли давридан қолган меъморий асарларни ҳозирги заиф ҳоли билан қиёсланса, бугунги муҳташам биноларнинг тавсиялари муболағали туюлмайди. Султон Худобанда тарафидан Султонияда юз йил илгари қурилган масжиднинг гўзаллиги Темур тарафидан бунёд этилган ҳозирги Самарқанднинг харобалари устида қад кўтарган «Масжиди шоҳ»нинг гўзал маҳобати билан тенглаша олмас.

Меъморчиликнинг шундай услубида кейинроқ қурилган бинолар, масалан, Исфахондаги Майдоншоҳдаги Масжиди Кабир, Қум ва Машҳаддаги турбалар Темур ҳиммати билан бунёд этилган иморатга нисбатан такрорийдир».

Президентимиз Ислом Каримов Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик байрамига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқида унинг тарихдаги, айниқса, дипломатия тарихидаги оламшумул фаолиятига шундай баҳо берган:

«Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскорига» деган рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажоввузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди».

Умуман олганда, Амир Темурнинг миллий ва умумжаҳон тарихида кўрсатган хизматлари беқиёс бўлиб, улар ҳақида илғор фикрларни бериш, фундаментал илмий тадқиқотлар яратиш муҳимдир.

Бу йўналишда айни кунгача хорижий олимлар томонидан 2000 дан зиёд асарлар яратилган.

Зеро, Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидай: «Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир. Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир». «Амир Темур — шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагига ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари номзоди, доцент.

«ҲАР ТЎҚҚУЗ КУРУҲДА МИНОР ҚЎПОРҒАЙ...»

Соҳибқирон Амир Темур даврида алоқа хизмати мустақил тизим сифатида шаклланган

Ҳозир почта деб юритиладиган алоқа хизмати юртимизда қадимдан тараққий этган бўлиб, илк бор сомонийлар даврида жорий этилган. Девони барид, яъни почта маҳкамаси IX-X асрларда ҳукмдор ва сарой аъёнлари эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Соҳиби барид — почта маҳкамаси бошлиғига бўйсунувчи маҳаллий почта ходимлари ихтиёрида чопарлар ва 100 бошдан 500 бошгача от бўлган. Жойлардаги девони барид хизматчилари маҳаллий ҳокимликларга бўйсунмаган, аксинча бевосита марказий маҳкамага итоат этган. Улар ҳукумат хабарлари ва маълумотларни белгиланган манзилга кечиктирмай етказиб бериш билан бирга маҳаллий ҳокимият вакиллари ва амалдорларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида маҳфий маълумотлар тўплаб, масъул шахсларга етказиш билан ҳам шуғулланган.

Почта хизмати мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Мўғул тилидаги «ём» (ўзбекчада — «йўл») сўзи «почта станцияси», «бекат» деган маънони англатган. Тилшунос олим, академик Владимирцевнинг қайд этишича, XIII асрларда мўғул тилида пайдо бўлган «ём» сўзи кейинчалик туркий ва бошқа тилларга ўтган. Бу сўз туркий тилларда ём (чопар минадиган от), ёмчи (чопар) тарзида қўлланилган бўлиб, русча «ямшик» сўзига ҳам асос бўлган.

Алоқа хизмати Амир Темур даврида анча такомиллашди ва мустақил тизим сифатида фаолият юрита бошлади. Соҳибқирон салтанатидаги вилоятлар, шаҳару қишлоқлар ўртасида мунтазам алоқани йўлга қўйиш ҳамда уларни назоратда тутиш, қўшни мамлакатлар билан дипломатик ва савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш, салтанатнинг турли ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволдан бохабар бўлиб туриш учун соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Махсус фармонлар чиқариб, жойларда маҳкамалар ташкил этиш ва уларнинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлади.

Темур номабардорлик, яъни хат-хабарларни белгиланган манзилга тез элтиш билан шуғулланувчи чопарлар фаолиятини ривожлантириш учун хазинадан маблағ ажратган. Чопарлар чопағон отлар, махсус кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарурий ашёлар билан таъминланган. Катта йўл бўйларида карвонсарой, сардоба ва қудуқлар барпо этилган.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида Темур салтанатида алоқа ишлари жуда яхши йўлга қўйилгани ҳақида батафсил маълумот беради. Жумладан, у: «Йўллар ёқасида пойтахтга қадар янги карвонсаройлар барпо қилинган, сайёҳлар ва савдогарлар дам олиши учун катта уйлар ва отхоналар қурилган. Айниқса, отхоналар муҳим йўлларнинг бошидан охиригача жойлаштирилган бўлиб, уларда исталган пайтда йўлга чиқишга шай бўлган отлар ҳамиша тайёр туради,» деб ёзади.

Ўша даврда ҳар икки туманда битта бекат бўлиши шарт эди.

Почта-алоқа маҳкамаси хизматчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, отларни боқиш маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилган. Бунинг учун аҳоли турли солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган.

Амир Темур томонидан яратилган почта-алоқа тизими темурийлар даврида ҳам амал қилган. Бобур бу ҳақда шундай ёзади: «Панжшанба куни рабиул-охир ойининг тўртида мундоқ муқаррар бўлдиким, Оградин Қобулгача Чақмоқбек Шохий тамғочнинг нависандалиғи билан таноб ўрғай, ҳар тўққуз куруҳда минор кўпорғайким, минорнинг баландлиги ўн икки қари бўлғай. Устида бир дордара кўпорғайлар. Ҳар ўн саккиз куруҳда олти ём оти боғлагайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларға алик тайин бўлғай». Демак, Ҳиндистоннинг Агра шаҳридан Афғонистон пойтахти Қобул шаҳригача ҳар 18 куруҳ жойда бир ём қурилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида почта хизмати билан шуғулланган полковник Д.Логофет: «Бундан бир неча юз йиллар илгари Европа давлатларида ҳали почта-алоқа ишлари тушунчаси шаклланмаган бир вақтда Ўрта Осиё бу соҳада катта ютуқларга эришди,» деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, аждодларимиз почта-алоқа хизматидан бир неча асрлар аввал ҳам фойдаланган ва ўз навбатида унинг ривожига муносиб ҳисса қўшишган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Саломатмисиз, маҳалладош?

Андижон вилояти

Вилоятда тиббиёт масканларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишлар эътиборга лойиқ. Бугунги кунда амбулатория, поликлиника муассасалари сони 250 тадан 423 тага етди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 330 та қишлоқ врачлик пункти бир миллиард 600 миллион сўмликдан ортиқ 36 турдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

СУРАТДА: *Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоқ врачлик пунктининг умумий кўриниши.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) **олган сурат.**

Наманган вилояти

БАХТИЁР ЯШАШНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш борасида эълон қилинган қатор фармон ва қарорлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқаролар ўртасида тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилаётгани бугун ҳар биримизга яхши маълум. Бунда жойларда ташкил этилган Саломатлик марказларининг алоҳида ўрни бор.

Уйчи тумани марказий касалхонаси негизида ташкил этилиб, 2002 йилдан буён алоҳида юридик шахс сифатида фаолият юритаётган Саломатлик марказида айни пайтда тўрт нафар олий маълумотли шифокор, саккиз нафар тиббиёт ҳамшираси хизмат қилмоқда.

— Энг муҳими, туман ҳудудидаги корхона-ташкилотлар, мактаб ва коллежлар, мавжуд 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган учрашув-суҳбатларимиз таъсирчанлигига эришиш, — дейди марказ бош шифокори Аҳмаджон Юсупов. — Бундай учрашувлар чоғида камқонлик, ўткир юқумли касалликлар, гиёҳвандлик ва ОИТС, юрак, қон-томир ва асаб касалликлари ҳақидаги саволларга кўп дуч келяпмиз. Бу фуқароларимизнинг айнан шу хасталиклар ҳақида кўпроқ маълумот олиш ва шу орқали ўз соғлигини ҳимоя қилишга интилишларини кўрсатади.

Айни пайтда Уйчи тумани Саломатлик марказида икки ойлик оила ҳамшираси ва тиббий тарғиботчи курси фаолият кўрсатмоқда. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш, шахсий ва умумий гигиена, юқумли касалликларнинг олдини олиш, болалар ва ҳомиладор аёлларни парваришлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишлари бўйича ўқитиш йўлга қўйилган мазкур курсда бугунгача 550 нафардан зиёд хотин-қиз таҳсил олишди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан келишган ҳолда кам таъминланган оилалар вакилларининг бундай курсларда бепул ўқитилаётгани эса эътирофга лойиқ. Аслида, бу ўқув курслари нафақат аҳоли ўртасида тиббий билимларни тарғиб этиш, балки уни тугатган хотин-қизларни оилада, маҳаллада тарғиботчи сифатида фаолиятга жалб этиш мақсади учун ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Саломатлик марказининг аҳоли ва ёшлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлидаги фаолияти ўз самарасини бермоқда. Хусусан, кейинги икки йил давомида курс битирувчиларининг бевосита кўмаги билан вирусли гепатит, ўткир диарея, ичбуруғ каби юқумли касалликлар сезиларли даражада камайгани фикримиз исботи.

Маҳмуда ҚОДИРОВА,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Йигинда ёшлар ҳаёти

ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ гиёҳвандликка қарши

Ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласида Ёшлар йили ҳамда Жаҳон саломатлик кунига бағишланган "Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари" ва "Жисмоний тарбия — саломатлик гарови" мавзусидаги давра суҳбати ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, 52-оилавий поликлиника шифокорлари ҳамда Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирга маҳалла ёшлари, талаба ва ўқувчилар таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева, Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Омина Раҳимбердиева, туман соғлиқни сақлаш бўлими раиси ўринбосари Шаҳзода Турсунметова, 52-оилавий поликлиника шифокорлари Дилдора Маматхонова, Нигора Шомаҳмудова, Мадина Тиллаева гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари, инсон саломатлигида жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Гиёҳвандлик ҳозирги кунда бутун дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири. Афсуски, унинг домига кўпроқ ёшлар илиниб қолмоқда, — дейди Истиқлол маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова. — Бунга уларнинг ҳаётни ҳали чуқур билмаслиги, табиатан қизиқувчан ва ишонувчан эканликлари сабаб бўлмоқда. Тадбир ёшларимизга бу йўлнинг охири тубсиз жарлик эканини англаб етишлари учун ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ёшлар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва шеърлар тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

Яман:

Яманда Америка элчихонаси жойлашган бинога ва дипломатлари ҳаётига бир неча маротаба тажовуз қилингандан сўнг АҚШ ҳукумати ўз ноибларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишга қарор қилди.

АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ЁПИЛИШ АРАФАСИДА

Маълумотларга қараганда, энди Яманда элчихонанинг асосий ходимларидан айримлари қолади, холос. Айни пайтда барча дипломатик миссия вакиллари пойтахт Сана шаҳридан чиқмаслик, ресторан, меҳмонхона ва сайёҳлар кўп бўладиган жойларга бормаслик ҳамда омма олдида кўзга ташланавермаслик ҳақида огоҳлантирилган. Айни кунда Яманда фаолият юритаётган ёки вақтинча яшаётган барча американликларга ҳам хушёрликни йўқотмаслик, одамлар билан гавжум жойларда узоқ турмаслик ва кундалик ҳаракат йўналишларини ўзгартириб туриш тавсия этилмоқда.

Маълумки, 6 апрелда «Ал-Қоида»нинг маҳаллий тармоғи бўлган «Холид бин ал-Валид жамоаси» Сананинг чет эл дипломатик корпуслари жойлашган ҳудудидаги Америка нефть компанияларига тегишли виллаларга кетма-кет ракета зарбалари берган эди. Душанба куни Яман полицияси ушбу воқеани содир этишда гумонланган етти нафар шахсни қўлга олди. Уларнинг уч нафари ҳақиқатан ҳам ҳодисага алоқадор эканлиги тасдиқланган. Жорий йилнинг 18 март куни ҳам АҚШ элчихонаси биноси ракета зарбаларидан талофат кўрган эди.

Бангладеш:

ЖАНЖАЛКАШ АЛИ ТУФАЙЛИ САМОЛЁТ ЕРГА ҚЎНДИ

Bangladesh Airlines авиакомпаниясига тегишли ҳаво лайнери икки йўловчининг жанжали туфайли кўзлаган манзилига етмай туриб Банкок аэропортига қўнишга мажбур бўлди.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдан Бангладеш пойтахти Дакку шаҳри томон парвоз этган самолёт бортидаги 70 нафарга яқин йўловчининг ҳеч бири бу кўнгилсиз вазиятдан зарар кўрмади. Хабарларга қараганда, йўловчилардан бири бесарамжон хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга халақит бераверганч, бошқа бир йўловчи ундан тинчланишини сўраган. Бунга жавобан жонсарак йўловчи бадтар асабийлашиб, можаро муштлашувга айланган. Ҳасан Али исмли жанжалкаш йўловчи меваларни кесиш учун мўлжалланган пичоқ билан «қуролланиб» олган.

Thai News Agency агентлигининг маълум қилишича, самолётни ерга қўндириш чоғида уни Таиландга тегишли иккита F-16 қирувчи самолётлари кузатиб борди. Самолёт эсон-омон ерга қўнгач, Ҳасан Али полиция ходимлари томонидан қўлга олиниб, сўроқ қилинди. Бироқ унинг қандай қилиб самолёт бортига пичоқ олиб чиқишга муваффақ бўлгани ҳануз номаълумлигича қолмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Йиғин ходимига услубий кўмак

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси.

МАСЛАҲАТЧИ МАСЛАҲАТга ТАЙЁРМИ?

Маҳалла маслаҳатчиси ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун аввало етарли билим, тажриба ва малакага эга бўлиши керак

Бугунги кун талаби шуни тақозо этмоқдаки, юртимизда маҳалла ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш орқали жамиятдаги кўпгина муаммоларнинг ечимига йўл топиш мумкин. Маҳалла ҳам ўзига хос оила. Демак, унинг аъзолари бир-бирлари учун масъулдирлар. Аҳолиси ҳамжиҳат бўлган маҳаллада ижтимоий муҳит соғлом, оилалар мустаҳкам, қадриятлар барҳаёт бўлади.

Айни даврда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўзларини қийнаётган саволларга жавоб, муаммоларига ечим топишга кўмаклашишни сўраб маҳаллага, хусусан, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисига мурожаат қилишади. Бу эса маслаҳатчи зиммасига катта масъулият юклаш билан бирга унинг олдига катта талаблар ҳам қўймоқда. Шунинг учун фуқаролар йиғинларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимига энг муносиб номзодларни тайинлаш жуда муҳим.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу Фармонга биноан ҳудудида камида 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Ҳозирги кунда республикамиздаги мавжуд 9971 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида 7996 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида маслаҳатчиларнинг диний ва дунёвий билимини, амалий тажрибасини ошириш учун махсус дастур асосида уларнинг малакаси оширилди. Турли ташкилот вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг иш тажрибалари ўрганилди ва услубий-амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ҳар бир маслаҳатчига фаолият олиб бориши учун шарт-шароит яратилиб, зарур адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан тўлиқ таъминланди. Хусусан, "Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида"ги намунавий Низом чоп этилиб, барча маслаҳатчиларга етказилди.

"Маҳалла" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг маслаҳатчилар билан самарали ишлашларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида жамғарманинг республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлимларининг иш фаолиятини доимий ўрганиб, таҳлил этиб бориш йўлга қўйилди.

Шунингдек, жамғарма бўлимлари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олиниб, фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда маслаҳатчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан жамғарманинг ҳар бир туман (шаҳар) бўлинмалари тизимида бош мутахассис лавозими жорий этилиши ҳам бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айни пайтда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида 14 нафар, туман (шаҳар) бўлинмаларида эса 199 нафар бош мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Улар зиммасига маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, нотинч оилаларни аниқлаб, улар билан ишлаш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари ва маслаҳатчиларга яқиндан кўмак бериш сингари вазифалар юклатилган.

Бироқ олиб борилган таҳлиллар натижаси айрим маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларнинг талаб даражасида йўлга қўйилмагани, вояга етмаганлар ҳамда аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг содир этилаётгани йиғин ходимлари, айниқса, маслаҳатчилар фаолиятини жонлантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бунга баъзи маҳаллаларда мазкур лавозимга муносиб номзодлар кўрсатилмаётгани, айрим маслаҳатчиларнинг ўз вазифаси ва ваколатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги ҳамда билими, ҳаётий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, уларни Низомда белгиланмаган, вазифаси доирасига кирмайдиган юмушларга жалб этилиши сабаб бўлмоқда. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, фуқаролар йиғинларига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни тайинлашда, аввало, номзодларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлигига, билим савиясининг етуклигига, маҳалладошлари билан ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Маслаҳатчи ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун ҳудуддаги таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши талаб этилади. Маҳалла ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва шакллантириш ишлари эса маҳаллий ҳокимликлар масъуллигида амалга оширилиши керак.

Маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатувчи таълим муассасаларида асосан шу маҳалла фарзандлари таълим-тарбия олишини яхши биламиз. Қолаверса, бу муассасаларда хизмат қилувчи ходимларнинг аксарияти ҳам шу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлигидан унумли фойдаланиш маҳаллада соғлом муҳитни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин. Боиси, ўзаро мустаҳкам алоқалар бўлган ҳудудда барқарорликни таъминлаш осон кечади. Айниқса, Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ўқув ва таълим муассасаларида ташкил этилган "Ота-оналар қўмитаси" билан ҳамкорликда иш олиб бориши яхши натижаларга олиб келади.

Маслаҳатчилар бевосита оилалар билан ишлаши, ҳар бир оиланинг яшаш тарзидан бохабар бўлиши, вазиятни тўғри таҳлил эта олиши, муаммо юзага келиши мумкин бўлган оилаларни аниқлаб, зарур чора-тадбирларни кўрмоғи лозим. Бундай ишларни амалга оширишда маҳалладаги ёши улуғ, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, обрў-эътиборли кишиларнинг ёрдамидан фойдаланиш зарур.

Маслаҳатчи ўз вазифаларини амалга оширишда бевосита йиғиндаги маслаҳат гуруҳи билан ҳамкорликда фаолият юритади. Шунингдек, унга туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси, йиғин ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тавсиялар бериб боради, ўз навбатида маслаҳатчи ҳам уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳудуддаги оилаларни ўрганиш, диний экстремизмга мойиллиги бўлган аёллар, жазо муддатини ўтаб чиққанлар ҳамда жазони ўтаётганлар, нобоп йўлга кирган хотин-қизлар билан ишлашда маҳалла фаоллари, профилактика инспектори, маҳалла посбони билан ўзаро ҳамкорликда ва ахборот алмашинуви асосида иш олиб боради.

Маслаҳатчи ўз фаолиятида кўчабошилар, уй бошлиқлари, отинойи ва етакчи аёлларнинг ёрдамига таянади. Носоғлом диний ғояларга қарши курашиш, урф-одатлар, тўй ва маросимларни тартибга солишда отинойилар, маънавий-маданий тадбирларни ўтказиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда эса фаол ва етакчи аёллар билан биргаликда иш олиб боради.

Маълумки, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уларни доимий иш билан таъминлаш бугунги кунининг долзарб масалаларидан бири. Унинг ечимини топишда маслаҳатчи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, турли иллатларга қарши курашишда эса ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Жумладан, хотин-қизларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолиятига оид маълумотларни тўплаш, мониторинг олиб бориш ҳам маслаҳатчининг асосий вазифаларидан саналади.

Фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, руҳий тушкунлик ҳолатига тушган хотин-қизлар билан яккама-якка суҳбатлар олиб бориш ва уларга ёрдам беришда маслаҳатчининг ҳудуддаги тиббиёт ва ўқув муассасалари ходимлари, тарғиботчи ва фаол аёлларни жалб этган ҳолда иш олиб бориши яхши натижа беради. Бу каби ишларда тиббиёт ходимлари ва оилавий поликлиника шифокорлари иштирокидаги тадбирларни ўтказиб туришнинг аҳамияти катта.

Оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, оила қураётгани ёшларга тиббий кўрикнинг аҳамиятини тушунтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёшларни турмушга тайёрлаш ҳам маслаҳатчи фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Уни амалга оширишда маслаҳатчи ФҲДЁ бўлими ходимлари билан ҳамкорлик қилади, зарур ўринларда отинойилар, имом-хатиблар ёрдамида тушунтириш ишларини олиб боради.

Маҳаллада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, маърака-маросимларни ихчамлаштириш ва тартибли ўтказишда, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамиятини, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этишда маънавият тарғибот маркази маслаҳатчига кўмак беради.

Маслаҳатчи маҳалладаги нотинч оилалар билан ишлаш ва намунали оилалар тажрибасини оммалаштиришда "Оила" маркази, хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам беришда "Тадбиркор аёллар" уюшмаси билан ҳамкорлик қилади.

Ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом инсонлар этиб тарбиялашда, улар онгида она Ватанга муҳаббат, миллий урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат руҳини сингдиришда маслаҳатчи халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан узвий алоқадорликда фаолият юритади.

Ҳар бир маслаҳатчи ўз ҳудудининг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, йиллик, ойлик, ҳафталик ишлари режасини ишлаб чиқади ва бажарган ишлари юзасидан йилнинг ҳар чораги якунида фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради. Унинг тўлақонли фаолият олиб бориши учун маҳалла идораси томонидан жиҳозланган алоҳида хизмат хонаси, телефон, матбуот нашрлари ва зарур ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши шарт.

Айтиш жоизки, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар ҳар бир кишининг замонавий технологиялардан фойдаланиш малакасига эга бўлишини давр тақозо этмоқда. Бундай малакага эга бўлиш маслаҳатчининг тезкор ва унумли ишлашида, айниқса, ёшлар билан мулоқот қилишида қўл келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳали олдимизда нафақат маслаҳатчилар, балки тизим ходимларини тезкор ахборот-алоқа воситалари ва замонавий технологиялардан фойдаланишга ўргатувчи ўқув машғулотларига янада кенгроқ жалб этиш масаласи турибди.

Жамоат ишида фаолият кўрсатадиган инсон аҳоли билан ҳамнафас бўлмас экан, у кўзлаган самарага эриша олмайди. Маҳалла маслаҳатчисининг фаолиятида эса бу энг асосий шартлардан бири ҳисобланади. Афсуски, айрим маслаҳатчилар ана шу ҳақиқатга етарлича эътибор бермаяптилар. Аслида маслаҳатчи маҳалла аҳлининг дарду ташвишларига шерик бўлиши, уларга маънавий-руҳий кўмак бериши, зарур бўлса моддий ёрдам билан таъминлашга ташкилий жиҳатдан бош бўлиши лозим. Бунинг учун уларнинг аҳоли ўртасига кенгроқ кириб бориши, хонадонма-хонадон юриб, фуқаролар билан зарур ҳолларда яккама-якка мулоқотда бўлиши талаб этилади.

Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги кунда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг иш услуби, фаолият йўналишига доир механизм ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган. Демак, маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги ишларни яхши йўлга қўйиш кўп жиҳатдан маслаҳатчининг ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, уни сидқидилдан адо этишига боғлиқ. Бунинг учун аввало мазкур лавозимга муносиб номзодларни тайинлаш ва уларнинг самарали фаолият юритишлари учун ҳар томонлама кўмак бериш жоиз.

Олам турфа

ЭСКИ АРАКЧИНОДА ИБОДАТХОНА

Татаристоннинг Қозон шаҳри яқинидаги Эски Аракчино қишлоғида бундан деярли ўн беш йил илгари дунё динлари ибодатхонаси қурилиши бошланган эди.

Бундай ибодатхонанинг бунёд этилиши, албатта, барча дин вакиллари учун қулайлик яратади. Энг аҳамиятлиси, ибодатхона пенсионер-рассом Ильдар Ханов ташаббуси ва маблағи ҳамда ҳамқишлоқларининг хайр-эҳсони эвазига қуриляпти.

ЭНГ КАТТА ҲОВУЗ

Чилидаги Сан-Альфонсо-дель-Мар курортида қурилган ҳовуз — дунёдаги энг катта ҳовуз сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Узоқ масофага сузишни ёқтирадиганлар эндиликда 900 метр узунликдаги, майдони 8 гектар бўлган ушбу ҳовузда мириқиб чўмилишлари мумкин. Ҳовуз ўртасида эса дам олувчилар бир-бирларини осонгина топишлари учун мўлжал сифатида ойнали пирамида бунёд этилган.

ДАСТЁР КУЧУК

Инсонларнинг яқин дўсти ҳисобланган итлар эндиликда уларнинг яқин ёрдамчисига ҳам айланиб бормоқда. Буни ньюфаундленд зотли Конни лақабли кучук мисолида кўриш мумкин.

Кучук артрит касалига чалинган хўжайини Хэйзел Картерни асрab-авайлашга ҳаракат қилади. Шу боис у дўконга бориб, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш, гулларни суғориш каби хўжалик юмушларида эгасига ёрдамлашади. Яқинда эса Конни кир ювишни ўрганди. У ювилиши керак бўлган кийим-кечакларни мустақил равишда кир ювиш машинасига солиб, панжаси ёки тумшуғи билан зарур тугмани босади.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Бухоро вилояти

БЎРИБЕК ЧАНДИР — «ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА»

Жорий йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб белгиланган туманимиз маҳаллаларида баҳорги юмушларнинг жадаллашишига туртки бўлди. Кўклам кириши билан бошланган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари туманимиздаги ҳар бир кўча, хиёбонларда ўз аксини топди.

Маҳаллалар ҳудуди ободонлаштирилди, қадамжолар тартибга келтирилди. Бир неча минглаб туп дарахтларга шакл берилиб, танаси оқланди. Кўплаб мевали, манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари экилди. Ариқ, зовурлар тозаланди, йўллар таъмирланди.

Ўтказилган ободончилик тадбирларида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатгани боис, икки ойликнинг дастлабки якунларига кўра, тумандаги Бўрибек Чандир маҳалласи фуқаролар йиғини тумандаги «Энг обод маҳалла» деб топилди.

Маҳалла оқсоқолли Зокир Аллоқов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Муҳаррам Ҳамроева етакчилигида мазкур маҳаллада уруш қатнашчиси Усмон бобо Жаббиев, меҳнат фахрийлари Сапар Жумаев, Муҳаммад Бобоев, Авлиёқул Худоев, Хумор Ҳусаинова, Жуманор Жаббиева ҳамда ногиронлар Ўлмас Кўмаков, Қўчқор Ҳамроевлар хонадонларида бўлиб, улардан ҳол-аҳвол сўраганимизда фуқаролар йиғини ходимларидан, маҳалла ҳомийларидан беҳад мамнунлигини айтишди.

Дарвоқе, маҳаллага меҳмон бўлиб келганлар унинг номи, номланиш тарихи билан қизиқишади. Маҳалла қайвониларининг айтишича, «Бўрибек» — оқ қипчоқларнинг таркибидаги Бўрибой (бўри) уруғининг номидан келиб чиққан. Чандир ҳам уруғ номи. Маҳаллий аҳоли ушбу номни баъзан «чодир» (чайла), «Чандир тери» деган сўзлар билан изоҳлайди. Аслида, топономик олим С.Қораев таърифича, Чандир туркман уруғидир. Абу Хайён эса «чандир» сўзини «дурагай, қурама» деб изоҳлаган.

Баъзи олимларнинг фикрича, Чандир қабила бўлиб, VIII-IX асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизининг жанубидаги ҳудудларда яшаган. Кейинчалик уларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга ўтиб ўзбеклар билан, иккинчи қисми эса ҳозирги Туркманистондаги туркманлар билан аралашиб кетган.

Б.ВОҲИДОВ,
«Маҳалла» жамғармаси
Олот тумани бўлинмаси раиси.

Фарғона вилояти

Риштон тумани «Матлуботсавдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли нон комбинатида ўн турдан ортиқ оби нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу ерда ёпилган ширмой нонларга шу ҳудудгагина хос тарзда безак берилади.



СУРАТДА: комбинат ходими Замирахон Холиқова.
Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Замонавий қулайлик

Самарқанд вилояти

ЯНГИ АВТОСАРОЙ - ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ

Кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Яқинда ана шу хайрли ишларнинг давоми ўлароқ, шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан яна бир юмушга қўл урилди. Шаҳар ҳудудида озодалик ва ораста-ликни таъминлашга кўмаклашувчи «Саммахсустранс» автосаройи иш бошлади.

— Ушбу автосаройга шаҳар автомобиль заводида ишлаб чиқарилган чиқинди ташувчи ва бошқа тўрт хил турда хизмат кўрсатувчи 16 та автомашина келтирилди. Айни вақтда мазкур янги автомашиналар билан ўз фаолиятини бошлаган автосаройга яна 19 та шундай турдаги транспорт воситалари лизинг асосида олиб келинади, — дейди шаҳар ҳокими Сухроб Рафиқов. — Бундан кўзланган асосий мақсад чиқиндиларни ўз вақтида шаҳардан олиб чиқиб кетиш, Самарқанднинг янада ораста, кўркам бўлишига ҳисса қўшишдан иборат.

Айтиш жоизки, ушбу янги автосаройнинг иш бошлаши юз нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлаш имконини яратди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *автосаройнинг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳалар.*

Жаббор НАБИЕВ олган суратлар.

Фаолиятда фаол аёллар

Сирдарё вилояти

ЕРДАН ТОПГАНИ — ДАРОМАД, ЭЛГА БЕРГАНИ — САХОВАТ

Гавҳарой бундан роппа-роса 41 йил аввал Сирдарё туманида яшовчи Нишоновлар хонадонига келин бўлиб тушган эди. Ўшандан бери қуни-қўшнилар бундай сермулоҳаза, саранжом-сариштa келинчакнинг рўзғор тутиши, ҳовлини чиннидек тозалаб, чаманзорга айлантиришини кўриб, «келининг бўлса, Гавҳаройдек бўлсин», дея унга ҳавас қилишади.

Орадан 18 йил ўтиб, Зокиржон Нишоновлар оиласи йўлланма билан Мирзаобод туманидаги ҳозирги Беруний номли деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудига кўчиб келишди. Ташаббускор, меҳнаткаш Гавҳарой Нишонова асосий экин майдонлари янги ўзлаштирилган хўжаликда аввал пиллачилик, сўнгра пахтачилик бригадаси бошлиғи, оилавий пудрат раҳбари бўлиб ишлади.

Ҳалол меҳнати ортидан ҳурмат-эътибор топаётган Гавҳарой Нишонова мустақилликнинг дастлабки йилларида аввал чорвачилик йўналишида Зоҳиджон номли, 2002 йилда эса деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган «Қаҳрамон-Обид» фермер хўжалигини ташкил қилди. У фарзандлари ва келинларини ёнига олиб, фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши учун астойдил меҳнат қилди. Натижада фермер хўжалиги тез орада тумандаги илғор хўжаликлардан бирига айланди.

Айни пайтда «Қаҳрамон-Обид» фермер хўжалиги тасарруфида 60 бош қорамол, 50 бош қўй-эчки бор. Зоҳиджон номли фермер хўжалиги аъзолари 2001 йилда 22 гектар ер олиб, мустақил иш фаолиятини бошлаган бўлса, бу йил хўжалик ихтиёридаги экин майдони 101 гектарга етди. Етиштирилаётган ҳосил салмоғи ҳам шунга яраша. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларидан олган даромади ҳисобидан ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга саховат кўрсатиб келяпти. Хусусан, ўтган йилда хўжалик ҳисобидан иккита кам таъминланган оилага бепул қорамол олиб берилди. Бундан ташқари, Гавҳарой кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, Қўрғонтепадаги мактабнинг 5 нафар аълочи ўқувчисига ҳар ойда стипендия тўлаб келмоқда.

Мана, бир неча йилдирки, Гавҳар Нишонова хўжаликлар фаолиятини юритишни фарзандлари ихтиёрига топшириб, ўзи аҳолининг хоҳиш-истаги билан Мирзаобод туманидаги Нурафшон қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қиляпти. Раиса йиғиндаги ёшу қарининг кўнглига бирдек йўл топиш, аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратишга интилади.

Ўтган 2007 йилнинг 27 сентябрь куни Гавҳар Нишонова ҳаётидаги унутилмас саналардан бирига айланди. Ўшанда Президентимиз Ислом Каримов вилоятга қилган ташрифи чоғида ташаббускор аёл Гавҳар Нишонова билан суҳбатлашиб, Нурафшон қишлоқ фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, одамларнинг турмуш шароити ва шўрхок майдонларда мелиорация тизимини яхшилашда юзага келаётган муаммолар билан қизиқди. Бу муаммоларни ҳал этишда давлат, ҳукумат томонидан фермерларга катта ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлаб ўтди. Суҳбат сўнгида эса Юртбошимиз Мирзачўлда Гавҳар Нишоновадек фидойи, эл дарди билан яшайдиган жасоратли аёллар кўпайишига астойдил тилак ва ишонч билдирди.

Кўп ўтмай, яъни 2007 йил 29 октябрь куни Республика Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига сабаб бўлди. Ҳозирда Мирзаобод туманида бу борада кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Энг аҳамиятлиси, ана шу ишларнинг бажарилишида ҳам тинибтинчимас аёл, «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндори Гавҳарой Нишонова жонбозлик кўрсатмоқда.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Спорт

РАҚИБЛАР АНИҚ БЎЛДИ

Жорий йилнинг 1-18 ноябрь кунлари Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати иштирокчилари ўртасида қура ташланди.

Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "D" гуруҳида Иордания, Австралия ва Таиланд футболчилари билан куч синашадиган бўлди.

Мусобақа мезбонлари Япония, Эрон ва Ямандан таркиб топган "А" гуруҳидан жой олди.

Қитъамизнинг етакчи терма жамоаларидан яна бири – Жанубий Корея эса "В" гуруҳида Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари ва Сурия билан рақобатлашади.

Тожикистон ёшлар терма жамоаси "С" гуруҳидан чиқиш учун Шимолий Корея, Хитой ҳамда Ливанга қарши тўп суради.

Осиё чемпионатида кучли тўртликка кирган терма жамоалар келаси йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

ЁШЛАРГА яна бир ТУҲФА



Икром полвон Равшанов ўзи истиқомат қиладиган Касби туманидаги Комилон қишлоғи аҳлининг ҳурматини қозонган. Бу тадбиркор "Комилон" спорт клубини ташкил этишда ташаббус кўрсатган эди.

Яқинда бу ерда "Ёшлар спорт мажмуи" ҳам барпо этилди. Энди қишлоқ ёшлари спортнинг футбол, волейбол, теннис, шахматшашка, кураш, каратэ, енгил атлетика турлари билан шуғулланиш имконига эга.

— "Комилон" спорт клубимизга 200 нафардан ортиқ ёшлар аъзо бўлган, — дейди миллий кураш бўйича мураббий, спорт устаси Исмоил Бўриев.

СУРАТДА: *миллий кураш бўйича мураббий, спорт устаси Исмоил Бўриев ёшларга кураш сирларини ўргатмоқда.*

Шомурод ШАРОПОВ
(ЎзА) **олган сурат.**

Анжуман

"Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон миллий матбуот маркази ҳамкорлигида 7 апрель — Жаҳон саломатлик куни муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди.

СУВнинг ЗАХИРАСИ ҚАНЧА?

Анжуманда таъкидланганидек, ҳозирги кунда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Мутахассисларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, табиий ичимлик суви миқдорининг йилдан-йилга камайиб бориши туфайли жойларда экологик муаммолар келиб чиқмоқда.

— Марказий Осиё минтақаси жиддий иқлим ўзгаришларига дуч келмоқда, — дейди тадбирда сўзга чиққан "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов. — Тоза ичимлик сувининг манбаси ва кўп йиллик захираси бўлган тоғ ҳудудларидаги музликлар камайиб бормоқда. Хусусан, Тожикистон ҳудудидаги тоғ этакларида жойлашган музликларнинг учдан бир қисми йўқолиб кетган бўлса, Қирғизистон тоғ чўққиларидаги музликлар сўнги қирқ йил давомида эриб битди.

Айнан ушбу муаммоларнинг олдини олиш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё давлатлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу муаммолар табиий иқлимнинг ёмонлашувини келтириб чиқариши билан бирга, инсонлар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, бугунги кунда ушбу муаммоларнинг олдини олиш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар иқлим ўзгаришининг оқибатларини маҳаллий ҳокимият идоралари, соғлиқни сақлаш тизими ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда жамоатчиликка тушунтириш лозимлигини алоҳида қайд этишди.

Таъкидлаш жоизки, иқлим ўзгаришининг глобал ва минтақавий оқибатлари сезиларли бўлаётган бир пайтда экологик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш борасида чора-тадбирлар "Экология ва саломатлик кунлари" дастури доирасида амалга ошириб келинмоқда. Иссиқ иқлимнинг таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг олди олиняпти. Ҳозирда юртимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш орқали уларни атроф-муҳит муҳофазасига кенгроқ жалб қилиш борасида эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Тадбир доирасида "Экосан" ташкилоти ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида кўрик-танлов эълон қилинди. Унда матбуот, радио, телевидение ҳамда электрон ОАВларида "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирларини ҳамда ташкилотнинг Ёшлар йилига бағишланган мақсадли дастурлари ва лойиҳаларини ёритган энг яхши журналистик ишлар баҳоланади. Танловга 2008 йилнинг 1 январидан 1 июнигача газета, журнал ва электрон нашрларда эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидениеда эфирга узатилган кўрсатув ва эшиттиришлар, ижтимоий роликлар қабул қилинади. Танлов якунлари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида эълон қилинади.

Мехрож ДАРХОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта давомида ўз имкониятларингизни тўғри баҳолашга ҳаракат қилинг. Жума куни юзага келадиган оғир вазият сабабли рахбарингиз билан мунозарага бормаганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)

Айни кунларда бошлаган ҳар бир ишингиз муваффақият қозониши мумкин. Ишда кўпроқ шартномалар имзолаш, янги танишлар орттириш масалалари билан банд бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳафта омадли ўтиши учун асосий ишларни ҳафта бошида бажарганингиз маъқул. Шанбада эса рўзғор юмушлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўласиз.

ҚИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Шу кунларда мириқиб дам олишга ҳаракат қилинг. Фаолиятда доимо фаол бўлишга интилиш керак, албатта. Бироқ тинимсиз ишлаш соғлиғингизга путур етказиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ушбу ҳафтада аввалги хатоларингизни тўғрилаш учун имконият туғилади. Баъзида ўйламай иш қилганлигингизни тан олишни ҳамда ишдаги тартиб-қоидаларга бўйсунишни унутманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Арзимаган вазиятдан катта муаммо ясашга одатланманг. Ҳафта ўрталарида саёҳатга чиқишингиз эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунлари оилавий зиддиятларга йўл қўйманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафта давомида сизни қизиқарли воқеалар кутмоқда. Вақт ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланинг. Ҳамкорлар билан баъзи масалаларда қарашларингиз тўғри келмаслиги мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Айни пайтда сиздан ишга ижодий ёндашиш талаб этилади. Пайшанба — тугалланмаган ишларни охирига етказиш учун қулай кун. Ҳафта сўнгида меҳнатингизга муносиб рағбатланасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда яқинларингиз маслаҳатига эҳтиёж сезишингиз мумкин. Ҳафта қизиқарли учрашувлар, янги иш бошлаш ва бошқа масалаларни режалаштириш учун қулай.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар аниқликни талаб этади. Шу боис бирор ишга қўл уришдан аввал пухта ўйлаб, кейин амалга оширишга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳафта бошида мазкур бурж вакиллари кўпроқ турли хаёллар қуршовида бўладилар. Бироқ хатти-ҳаракатларингизда эҳтиёткор бўлсангиз, ижобий натижаларга эришасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Бирор масала юзасидан қарор қабул қилишда кўпроқ қалбингизга қараб иш тутганингиз маъқул. Ҳафта охирида сизга арзимас туюлган нарсаларга ҳам масъулиятсиз ёндашманг.

Дил мавжланди...

Тошкент вилояти Бўка шаҳридаги 2-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Дилфуза Зайнуддинова мустақил юртимизда вояга етаётган, орзуси осмон қадар юксак миллионлаб ёшларимиздан бири. У келажакда шоира бўлишни, она Ватанимиз, гўзал диёримизни мадҳ этишни истайди.

БАҲОР ТОНГЛАРИ...

Қуёш жилмаяди тонглар ортидан,
Гуллар кўтаради
мудроқ бошини.
Сувлар анҳорларда югурар —
Сувлар анҳорларнинг
кўзин ёшими?

Даласида тер тўкар деҳқон,
Эл-юрт ризқин
заминга қадаб.
Фурсат ўтар сездирмай... охир
Кунлар келар бахтни
орқалаб.

Файзга тўла юртим тонглари
Боғлар шовуллайди
фараҳли.
Гулларин ногаҳон тўкиб юборар,
Осмонни кўтариб
турган дарахтлар...

Дилфуза ЗАЙНУДДИНОВА

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар-а!..

Оила оромини бузган ким?

...Тошкент шаҳри Миробод тумани Сарбон 1-тор кўчаси 18-хонадонда яшовчи Солиховлар оиласи тинч-тотув яшаётган бошқа минглаб оилалардан деярли фарқ қилмасди: оилабоши Маҳкам ота кўп йиллар маориф соҳасида ишлаган, айни кунда қарилик пенсиясида. Отахон турмуш ўртоғи Муқаддам ая билан кўп йиллар умргузаронлик қилиб, уч ўғил, икки қизни вояга етказди. Бундан ўн икки йил аввал турмуш ўртоғи оламдан ўтди. Оиланинг, фарзандларнинг шундан буёнги ташвиши бир ўзининг бўйнида қолди. Айни кунда ота фарзандларининг катта-кичик ташвишларидан қутулган, яъни ҳаммасини уй-жойли қилиб бўлган. Кексалик гаштини суриб, невараларнинг шўхликларидан завқланиб ўтирадиган пайти. Лекин... Кейинги икки йил давомида бу хонадонда юз берган хунук воқеалар қариянинг куну тунида ҳаловат қолдирмади, оила аъзоларининг бошини хам қилди.

— Қариган чоғимда тан маҳрамимдан айрилганимдан қуйинаман. Яна ўйлаб туриб «Бошимизга шунча кўргуликлар тушар экан, ҳозир ҳаёт бўлганида ҳаммадан кўп кампирим куярди, унга қийин бўларди-да...» дейман ўзимга-ўзим. Астағфируллоҳ...

Дарҳақиқат, оиланинг кенжаси Ҳикматнинг оилавий турмушида юз берган воқеаларни эшитгач, ҳаётнинг унча-бунча паст-баландини кўриб қўйган киши ҳам ёқасини ушлайди.

2006 йилнинг 3 март куни бу хонадонда ўғирлик содир бўлди. Хонадонда Маҳкам ота ўғиллари Холмат ва Ҳикматларнинг оиласи билан истиқомат қилади. Ўғирлик содир бўлган кун катта ўғил — Холмат акага тегишли сейфдан анчагина маблағ йўқолди. Албатта, бу воқеа аввал оила даврасида муҳокама этилди. Турли гумон пайдо бўлди. Аммо гумон бу ҳақиқат эмас, бошқача бўлиб чиқса, нима деган одам бўламиз, деган ўйларга борилди. Хуллас, оилабоши учун истиҳола устун келди, «Бош ёрилса, дўппи тагида» қабилида иш тутилиб, уйнинг гапи кўчага чиқмади. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, Маҳкам отанинг «ўлимлигимга» дея йиғиб қўйган жамғармаси йўқолди. Шу куни яна кўрсаларки, духоба дастурхонга тугилган телевизор, DVD мосламаси кўча дарвоза олдида турибди. Демак, ўғри ким бўлмасин, пулни олиб, бу ўлжани «тинчитиш»га улгурмай қолган, деган хулосага келинди...

Бу сафар Маҳкам ота тегишли жойларга мурожаат қилди, лекин баъзи бир текширувлар бўлди-ю, арзирлик далил топилмай, жиноятнинг изи очилмай қолаверди. Бу воқеалар тафсилотини баён қилар эканмиз, булар ҳам кейинроқ содир этилган ўғирликда айбдор шахснинг қилмишларидир, деган хулосани ясашга ҳаққимиз йўқ. Воқеалар тафсилоти ўқувчи мулоҳаза юритиши учун холос. Ўтган йилнинг 20 октябрь куни Маҳкам ота хонадонига яна ўғри тушди. Бу сафар катта ўғил Холмат ўғлини уйлаш тадоригида йиғиб-териб қўйганидан айрилди — 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ, қиймати 1,5 миллион сўмдан ортиқ тилла буюмлар, «Nokia-2600» русумли қўл телефони сақланаётган сейф таг-туги билан йўқ бўлди. Ўн беш кундан кейин тўй бўлиши керак.

Ўша куни шанба эди. Холмат ака хотини билан бозорга кетган, уйда ўтирган Маҳкам отани туман ижтимоий таъминот бўлимига, ўспирин неварасини эса бир ўртоғиникига телефон орқали чақиришди-ю, уйда кенжа келин икки гўдак ўғилчаси билан ёлғиз қолди. Ўғирлик худди ана шу вақтда содир бўлди...

...Келин, шу заҳотиёқ уйда ўтирганида номаълум шахслар бостириб киришгани ҳақида кўрсатма берди, ҳаттоки бир йигитнинг исмини айтиб, юзлаштирилганда ҳам «Уйимизга бостириб кирганлардан бири шу эди» деб туриб олди. Ёш ўғилчаси ҳам унинг кўрсатмасини тасдиқлади. Аслида ўша йигитнинг бу ўғирликка заррача алоқаси йўқ эди, буни Ферузанинг ўзи ҳам яхши биларди. Жиноят тафсилоти эса бутунлай бошқача эди...

Маҳкам ота оиласи аъзоларининг зорланишича, кенжа келин Ферузанинг бежо қадам ташлаётганига анча бўлган. Яна унинг қўли ҳам эгри бўлиб чиқди. У ўзининг туғишган опаси Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Тўлаганова Наргиза билан жиноий тил бириктириб, қайноғаси ва овсинини (Дарвоқе, бу икки овсин аслида бир-бирига янада яқинроқ қариндош, яъни холаванча бўлишади. 1995 йилда Ферузанинг бу хонадонга келин бўлишига қисман сабабчи ҳам айнан катта овсин ҳисобланади.) тўй олдидан хонавайрон қилишни пухта режалаштирган экан. Ўз ўрнида Наргиза маҳалладошлари 28 ёшли Холматов Дилшодни, 27 ёшли Исоқов Шераликни ва эрининг ўртоғи 37 ёшли Муҳамедов Атҳамни ҳам «иш»га қўшади. Жиноий гуруҳнинг яна бир «фаол» аъзоси 40 ёшли Юсупов Исматилла пойтахтнинг С.Раҳимов номли туманида яшайди, уч фарзанднинг отаси. У Феруза билан анчадан бери таниш. Сейфнинг ўғирланишида унинг «хизмати» беқиёс: у ўзига тегишли «Тико» русумли давлат рақами 10 Е 48-38 бўлган автомашинасида жиноий гуруҳга «тезкор транспорт хизмати» кўрсатади. Ўғирлик содир бўлган куни Феруза опасига қўнғироқ қилиб, уйда қайнотаси ва қайноғасининг ўғлидан бошқа ҳеч ким йўқлигини айтиб, улардан ҳам «қутулиш» учун опасига «Сиз ҳозир уйимизга телефон қилиб, ўзингизни «собес» ходими деб таништиринг ва қайнотамга идорага зудлик билан етиб келишини тайинланг» дея «кўрсатма» беради. Қайнота соддалик қилиб, ўша куни ҳафтанинг шанбаси экани, «собес» деганлари ишламаслиги эсига ҳам келмай, тезда йўлга равона бўлади. Жиноятчи опасингил қайнука учун эса телефон орқали дўсти билан учрашув «уюштирадилар». И.Юсупов ўз машинасида Ш.Исоқов ва Д.Холматовни Маҳкам отанинг хонадонига етказиб қўяди. Феруза уларни кутиб олиб, уйга бошлаб киради. Жиноятчилар сейфни ўрабчирмаб, машинага юклаб ғойиб бўладилар. Жиноятга бош-қош бўлган Феруза эса кейинги воқеаларни «ихтиро» қилиб, уйга ўғрилар бостириб кириб, босқинчилик қилгани ҳақида айюҳаннос солишга тушади. Ҳатто ёш болага ҳам ёлғон кўрсатма беришни ўргатиб қўяди...

2007 йил 24 декабрь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани суди ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, Ф.Солиховани Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми «в» банди, 237-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари, 238-моддаси 1-қисми ва 139-моддасининг 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топди. Н. Тўлаганованинг эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги суд ишида ўз исботини топди.

2008 йилнинг 20 февралида бўлиб ўтган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг очиқ мажлисида Д.Холматов, И.Юсуповнинг жиноий хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳам исботланиб, уларнинг бири беш йилга, иккинчиси эса бир йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. И.Юсуповга тегишли бўлган ўғриларнинг «йироғини яқин» қилган автомашина эса мусодара қилинди. Дарвоқе, ушбу суд мажлисида ўғирлик содир этилиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла туриб, жиноятни яширганлиги учун яна икки фуқаро судланувчи Н.Тўлагановага маҳалладош бўлган Б.Мирзаев ҳамда А.Муҳамедов тегишли тарзда жазоланди.

Жиноятнинг яна бир иштирокчиси Ш.Исоқов дастлаб терговдан қочиб юрган бўлса-да, жиноий жавобгарликдан қутулиб кетолмади...

Жиноят жазосиз қолмайди, албатта. Бу ўринда ҳам ҳар ким қилмишига яраша жазосини олди. Энди масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйлантиради: жиноят кўчасига кириб, «ўғри келин» деган номни орттирган Ферузанинг оилавий ҳаёти, уч фарзанди тақдири нима бўлади энди? Тўғри, у «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенатининг Қарорига мувофиқ суд залидан озод қилинган куниёқ қайнотаси ва эри ҳузурига келди. Лекин кечирим сўраб эмас, «Мана, мени қўйиб юборишди, аслида айбдор эмасдим, сенлар туҳмат қилдиларинг» қабилидаги дағдаға билан келди. Турган гапки, Маҳкам ота ҳам, эр ҳам уни рўзғорига қабул қилмади. Сўнгги олти ой давомида учала болани ҳам Маҳкам ота ўзи парваришламоқда. Ҳаммасидан ҳам етмиш ёшдан ошган қариянинг кўз ёшли нолалари одамнинг юрагини ўртайди:

— Маҳалла-кўй олдида оиламиз обрўйи бир пул бўлганига куяйми, кенжа ўғлимнинг, учта неварамнинг эртанги ҳаёти учун қайғурайми? Ахир шунча кўргуликлардан кейин бу келинни яна қандай қилиб рўзғоримга яқин йўлатай?

Бўлган воқеаларни ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Юқорида айтганимиздек, беихтиёр ёқа ушлайсан, киши. Феруза Солихова эндигина 29 ёшга кирган. У буёғига қандай йўл тутади? У қайноғасининг мулкига қўшиб ўз бахтини ҳам ўмарганга ўхшайди...

Мавлуда ҚОСИМОВА

Утерянный круглый печать выданный хакимиятом Бектемирского р-на на имя Азимовой Зумурат Султановны считать недействительным.

ООО «EXSPRESS INFO PLYUS» (ИНН 300186228) М.Улугбекского р-на г.Ташкента ликвидируется.
Претензии принимаются в течение 2-х месяца со дня публикации по тел: 105-48-40.

ЧП «NURDILNET» (ИНН 300488666, ОКПО 22018259) Сергелийского р-на преобразуется в ООО «NURDILNET». Претензии принимается по тел: 397-90-43.

Утерянный гос.ордер № 11-01/4466 от 23.02.1993г. Яккасарайского р-на. Права собственности на квартиру на имя Эргашевой Дилбар Джурабаевны считать недействительным.

ООО «PROFESSIONAL BUSINESSSECURITY AND BODYGUARD SERVICES» (код ОКПО 19205897, ИНН 204658153) зарегистрированное в М.Улугбекском р-не 27 ноября 2006 г. ликвидируется.
Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации по тел: 267-01-55.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 2003 йилда Сариков Шерзодбек Эргашбоевич номига берилган 7-263/2003 бинога тегишли ва 2348775916 ер участкасига тегишли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный диплом № 275738 выданный в 1999 г. Самарқанд агротадбиркорлик коллежи г.Самарқанд на имя Сувонова Жахонгира считать недействительным.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 2003 йилда Сариков Шерзодбек Эргашбоевич номига берилган 7-264/2003 бинога тегишли ва 2185280459 ер участкасига тегишли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ХК «Multisoft solutions» МЧЖга айлантирилади. Манзил: Тошкент.ш. Навоий кўчаси 25-уй.

Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда "Mahalla" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Фарғона вилояти бўйича собиқ мухбири, кекса журналист
Қодирали ШОДМОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Нураддин Айитовга отаси
Айитбой ота САФАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

17875 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 00.00
1 2 3 4 5